

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил июнь ойининг 20 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг очиқ сайёр суд мажлиси Ургут туман “Бешёғоч” МФЙ биносида бўлиб, судья А.Ахмадовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Т.Эштайлақовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ургут туман прокурорининг катта ёрдамчиси У.Фармонов, судланувчи З.Таниқулов ва унинг адвокати “Мадиев Ғанихон” адвокатлик фирмаси адвокати С.Нуруллаев, жабрланувчи М.Эшмухаммедованинг иштирокида, Таниқулов Зухриддин Шодиқул ўғлига нисбатан 1-1416-2202/185-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Таниқулов Зухриддин Шодиқул ўғли (Taniqulov Zuhriddin SHodiqul o'g'li) 1999 йил 9 октябрь куни Ургут туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Ургут тумани “Бешёғоч” маҳалласида яшайди, мазкур иш бўйича “муносиб ҳулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 30.05.2022 йилда, соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

АНИҚЛАДИ:

Судланувчи Таниқулов Зухриддин Шодиқул ўғли ўзганинг мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2022 йил 6 май кунидан 7 май кунига ўтар кечаси соат 00³⁰ ларда Ургут тумани “Бешёғоч” маҳалласида жойлашган фуқаро Эшмухаммадова Махзуна Ғавсиддин қизига тегишли бўлган озиқ-овқат дўконига орқа эшикни бузиш йўли орқали очиб, ичкарига ғайриқонуний равишда қириб, савдо дўконига ўрнатилган ёғоч тортма ичидаги фуқаро М.Эшмухаммадовага тегишли бўлган 1.000.000 сўм пулларни ўғирлик йўли билан қўлга киритиб, воқеа жойидан яширинган.

Бундан ташқари, у ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2022 йил 13 май кунидан 14 май кунига ўтар кечаси соат 02³⁰ ларда Ургут тумани “Бешёғоч” маҳалласида жойлашган фуқаро Эшмухаммадова Махзуна Ғавсиддин қизига тегишли бўлган озиқ-овқат дўконига орқа эшикни бузиш йўли билан очиб, ичкарига ғайриқонуний равишда қириб, савдо дўконига ўрнатилган ёғоч тортма ичидаги фуқаро М.Эшмухаммадовага тегишли бўлган аёллар хамёни ичидан жами 300.000



сўм пулларни ўғирлик йўли билан қўлга киритиб, воқеа жойидан яширинган.

Судда сўралган судланувчи Таниқулов Зухриддин Шодиқул ўғли ўз кўрсатувида, айбига тўлиқ иқрорлиги, ҳақиқатдан ҳам у синфдоши Бозоров Мухризиддиндан 2022 йил тахминан 4-5 май куни “Самсунг Ж-7” русумли телефон аппаратини 800.000 сўмга сотиб олиб, унга ўзига тегишли бўлган Самсунг Ж-1 русумли телефон аппаратини 300.000 сўмга ҳисоблаб бериб, қолган 500.000 сўм пулларни 2022 йил 10 май кунига қадар олиб келиб беришни ваъда қилганлигини, ўртоғига берган ваъдасини устидан чиқиш мақсадида маҳалласида жойлашган Озодбекга тегишли бўлган савдо дўконига 2022 йил 6 май кунидан 7 май кунига ўтар кечаси соат 00³⁰ларда савдо дўкони орқа томонидаги эшикни қулфини ёнидаги ушлагичини қўли билан бузиб, ушбу эшик орқали савдо дўконининг орқа томонидан кирганлигини ва тортмада турган 5.000 ва 10.000 сўмлик купюрадаги жами 1.000.000 сўм пулларни ўғирлаб чиққанлигини, кейин ушбу пуллардан 600.000 сўмини 2022 йил 9 май куни ўртоғи Мухризиддинга олиб бориб берганлигини, қолган пулларни ўзини эҳтиёжларига ишлатиб юборганлигини, бундан ташқари 2022 йил 13 май кунидан 14 май кунига ўтар кечаси бошқа шахслардан бўлган қарзини бериш учун яна ушбу савдо дўконига ўғирликка кириб, тортмани ичида бўлган аёллар ҳамёни ичидан жами 300.000 сўм пулларни олиб, дўкондан чиқиб кетганлигини ва ушбу пулларни ўзини эҳтиёжларига ишлатиб юборганлигини, шундан сўнг 2022 йил 17 май куни уни ИИБ ходимлари чақиришиб, ушбу жиноятни содир қилганлигини аниқлашганлигини, у ўғирлик содир қилишига оилавий шароити оғирлиги сабабли мажбур бўлганлигини, ҳозирги кунда у жабрланувчи М.Эшмухаммедовадан кечирим сўраб, унга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, қилмиши оқибатларини тўлиқ тушуниб етганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бошқа бундай жиноят содир қилмаслигини инobatга олиб, суддан қонуний енгиллик беришни сўраган.

Судланувчи Таниқулов Зухриддин Шодиқул ўғли суд терговида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлса-да, унинг айби суд мажлисида сўралган жабрланувчининг куйидаги кўрсатувлари билан ўз исботини топди.

Жумладан, судда сўралган жабрланувчи Эшмухаммадова Махзуна Ғавсиддин қизи ўз кўрсатувида, ҳақиқатдан ҳам турмуш ўртоғи Тугалов Озодбек Олтибой ўғлини номида хусусий корхона очиб, маҳалла марказида озиқ-овқат дўкони очганлигини, 2022 йил 8 май куни у жами 1.000.000 сўм пулларни ушбу савдо дўконидаги тортмага қўйиб яшаш уйига кетганлигини, 2022 йил 9 май куни эрталаб у савдо дўконига келиб пулларини олмоқчи бўлганида, ушбу пулларни жойида йўқлигини билганлигини, 2022 йил 13 май куни у ўзига тегишли бўлган 300.00 сўм пуллар солинган аёллар кашалогини ўзини эҳтиётсизлиги сабабли ёдидан қариб савдо дўконига қолдириб кетганлигини, 2022 йил 14 май куни галаб у савдо дўконига келиб, ўзига тегишли бўлган аёллар кашалогини



очиб қараганида унинг ичида бўлган 5000 ва 10000 сўмлик купюрадаги пулларни жойида йўқлигини билганлигини, шунда у дўконга ўғри кирган деб, камерадаги видео тасвирларни кузатганида ҳақиқатдан ҳам 2022 йил 13 май кунидан 14 май кунига ўтар кечаси соат тахминан 02³⁰ларда юзига ниқоб тақиб олган шахс дўконни орқа эшигидан кириб келиб, дўконда бўлган тортмани очиб, уни ичида турган унга тегишли бўлган аёллар хамёнини очиб ичидаги пулларни олиб, дўконни орқа томонидаги эшикдан чиқиб кетганлиги видео тасвирлари борлигини аниқлаганлигини, шундан сўнг бу ҳақда 102 рақамига қўнғироқ қилиб хабар берганлигини, кейин ИИБ ходимлари ушбу жиноятни Таниқулов Зухриддин содир этганлиги аниқлашганлигини, ҳозирги кунда унга етказилган 1.300.000 сўм зарар тўлиқ қоплаганлигини, шу сабабли судланувчи З.Таниқуловга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув берди.

Судда сўралган гувоҳ Бозоров Мухризиддин Исроил ўғли ўз кўрсатувида, ҳақиқатдан ҳам Таниқулов Зухриддин уни синфдош ўртоғи бўлишлигини, 2022 йил 5 май кунини уни олдига З.Таниқулов келиб, ундан бир дона “Самсунг Ж-7 про” русумли телефон апаратини олиб, ўзига тегишли бўлган “Самсунг Ж-1” русумли тефоон апаратини бериб, унга яна 500.000 сўм пул олиб келиб беришлигини айтганлигини, шунда у унга телефон апаратини бериб юборганлигини, 2022 йил 9 май кунини соат 19⁰⁰ларда З.Таниқулов унга 5000 сўмлик ва 10.000 сўмлик купюрадаги пуллардан жами 500.000 сўм пулларни берганлигини, сўнг ушбу пуллардан 250.000 сўмини ишлатиб юборганлигини, қолган 250.000 сўм пулларни ўзида сақлаб келганлигини, 2022 йил 17 май кунини ИИБ ходимлари уни олдига келиб, З.Таниқулов унга берган 500.000 сўм пулларни қаерда эканлигини сўрашганида, уларга ушбу пулларни 250.000 сўмини ишлатиб юборгани, қолган 250.000 сўмини ўзида сақлаб келаётгани айтганлигини, ИИБ ходимлари ушбу пулларни таниши З.Таниқулов ўғирлик йўли билан қўлга киритганлигини, шу сабабли уларга тақдим қилишини сўрашганлигини, шунда у уларга икки нафар холислар иштирокида 23 дона 10.000 сўмлик, 4 дона 5000 сўмлик купюрадаги пулларни тақдим қилганлигини, ИИБ ходимлари ушбу пулларни ундан холислар иштирокида ҳужжатлаштириб олишганлигини, у ўртоғи З.Таниқулов ушбу пулларни ўғирлик йўли билан қўлга киритганлигидан хабари бўлмаганлиги ҳақида кўрсатма берди.

Бундан ташқари, иш ҳужжатларида мавжуд суд терговидида таҳлил қилиниб, ўқиб эшиттирилган қуйидаги инкор қилиб бўлмайдиган далиллар йиғиндиси билан, яъни,-

Жабрланувчи М.Эшмухаммедованинг аризаси; ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизмаси ва фотожадвал; далилий ашёни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома; тақдим қилинган нарсаларни олиш ва кўздан кечириш ҳақидаги баённома ва фотожадвал; жабрланувчи деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор; нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят иши ҳужжатларига қўшиб қўйиш ҳақидаги қарор ва ДВД диск; жиноят ишини бир қисмини тугатиш ҳақидаги қарор; тушунтириш



хатлари ва сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжатлар билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, судланувчи З.Таниқуловнинг, ўғирлик, яъни такроран ўзгалар мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрель кунги № 6-сонли “Ўзгалар мулкани ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Қарорида кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларга риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи З.Таниқуловнинг жиноят содир этишдаги ҳолатларига баҳо бериб, айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғаразли ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи З.Таниқуловга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, жиноятни келиб чиқиш сабаблари ва хусусиятини, шахсини, ёшини, оилавий аҳволини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кундаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 37-бандида “ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки ушбу моддада назарда тутилмаган енгилроқ турдаги жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда қонунга мувофиқ судлар нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзланган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки айбдорнинг шахси, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилгандан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитини ҳам эътиборга олишлари лозимлиги ҳақида”ги раҳбарий тушунтиришларга риоя қилган ҳолда, қонунийлик, одиллик, инсонпарварлик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига асосланиб, З.Таниқуловнинг оилавий шароитини, МФЙ томонидан кафолат хати тақдим қилинганлигини, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлигини, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб ариза тақдим этишганлигини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш имконияти мавжуд деб ҳисоблаб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, унга айбли деб топилган ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазоси тайинлашликни шунингдек, мазкур Қарорнинг 25-1-бандидаги, “Озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш йидан чиқишни чеклашдан иборатдир. Тушунтирилсин-ки, суд смининг қарор қисмида: озодликни чеклаш тариқасидаги жазо, яшаш



жойини бутунлай тарк этишни тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашнинг мазмуни аниқ кўрсатилиши лозим. Озодликни чеклаш олти ойдан беш йилгача муддатга тайинланади ҳамда маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органининг жазоларни ижро этиш инспекцияси ёки суд томонидан белгиланган бошқа орган назорати остида ўталади. Озодликни чеклаш, уни ўташ шартлари суд томонидан содир этилган қилмишнинг хусусияти ва жазони ўташдан бўйин товлашнинг олдини олишни инобатга олган ҳолда белгиланади” деган кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, унга нисбатан қўлланилган “муносиб ҳулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишликни лозим топади.

Суд, иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган пуллар, дастлабки тергов даврида жабрланувчи М.Эшмухаммедовага 250.000 сўм пуллар тилхат орқали қайтарилганлигини, шунингдек воқеа жойини кўздан кечиришда олинган видеотасвирлар туширилган бир дона ДВД диск жиноят иши ҳужжатларига қўшилганлигини инобатга олиб, ушбу далилларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни ва ҳукмнинг қарор қисмида ушбу масалани қўшимча равишда кўрсатиб ўтмасликни лозим топади.

Суд, иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган ва Ургут туман ИИБ ДАСХда сақланаётган бир дона оқ рангли ниқоб ва сунъий аёллар соч турмагини ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилишликни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454-457, 463, 465-468, 471, 473, 475-476-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Таниқулов Зухриддин Шодиқул ўғли (Taniqulov Zuhriddin SHodiqulov o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.

3.Таниқуловга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди, 57-моддасини қўллаб, 2 (икки) йил 6 (олти) муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи 3.Таниқуловни Ургут тумани “Бешёғоч” маҳалласида жойлашган яшаш жойидан ҳар куни кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 06:00 га қадар чиқиши чеклансин.

Судланувчи Таниқулов Зухриддин Шодиқул ўғлига озодликни чеклаш даврида қуйидаги қўшимча чекловлар ўрнатилсин:

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Самарқанд вилояти маъмурий ҳудудини тарк этмаслик;

-муайян жойларга, савдо комплексларига, одамлар тупланадиган жойларга, кафе, барлар ва ресторанларга бормасликдан иборат қўшимча чеклашлар юклатилсин.



Судланувчи З.Таниқуловни хулқи устидан назорат олиб бориш Ургут туман ИИБ пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Жазо муддати суд ҳукми қонуний кучга кириб ижрога қабул қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Таниқулов Зухриддин Шодиқул ўғлига нисбатан қўлланилган “муносиб ҳулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган ва Ургут туман ИИБ ДАСХда сақланаётган бир дона оқ рангли ниқоб ва сунъий аёллар соч турмаги ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки прокурор протест билдиришга ҳақли эканлиги, белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилиши тушунтирилсин.

Раислик қилувчи судья:

А.Ахмадов

